



## О'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 20 yil « 26 » август

№ 517

Toshkent sh.

### Республика олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари ва бошқа тоифадаги ходимларини бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан моддий рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон, “Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” 2018 йил августдаги ПФ-5505-сон фармонларида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш ҳамда профессор-ўқитувчилар ва ходимлар меҳнатини бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан муносиб рағбатлантириш тизимини такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Республика олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари ва бошқа тоифадаги ходимларини бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан моддий рағбатлантириш тартиби тўғрисида низом иловага мувофиқ тасдиқлансан.

2. Вазирлар Маҳкамасининг “Республика олий таълим муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида” 2008 йил 1 августдаги 164-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2008 й., 8-сон, 40-модда) 4-банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсан:

“4. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги, тизимида олий таълим муассасалари бўлган вазирликлар ва идораларнинг кундузги таълим шакли бўйича бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларига қараб бир ўқитувчига тўғри келадиган талabalар сони нисбатининг чекланган нормативларини:

2009/2010 ўқув йилидан бошлаб – 1:10,5;

2019/2020 ўқув йилидан бошлаб – 1:12,0;

2020/2021 ўқув йилидан бошлаб – 1:14,0;

2021/2022 ўқув йилидан бошлаб – 1:16,0 нисбатида белгилаш;

олий таълим муассасаси кенгашларига, зарур ҳолларда, мазкур нисбатларни 50 фоизгача ўзгартириш ваколатини бериш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Белгилансинки, таълим соҳалари блоклари ва шакллари бўйича бир нафар ўқитувчи ҳисобига тўғри келадиган талабалар сони нисбатининг нормативлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланади”.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-хуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирун.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринbosари Б.А. Мусаев ҳамда Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта маҳсус таълим вазири И.У. Маджидов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг  
2020 йил '26' августдаги 517-сон қарорига  
илова

**Республика олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари  
ва бошқа тоифадаги ходимларини бюджетдан ташқари маблағлар  
хисобидан моддий рағбатлантириш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом республика олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари ва бошқа тоифадаги ходимларини бюджетдан ташқари маблағлар хисобидан моддий рағбатлантириш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**профессор-ўқитувчилар** – олий таълим муассасасида кафедра мудири, профессор, доцент, катта ўқитувчи, асистент, ўқитувчи, тажриба орттирувчи ўқитувчи лавозимида фаолият юритадиган шахслар;

**бошқа тоифадаги ходимлар** – олий таълим муассасасида бошқарув, техник, хизмат кўрсатувчи ва ўқув-ёрдамчи ходимлар лавозимларида фаолият юритадиган шахслар.

3. Олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчиларини ва бошқа тоифадаги ходимларини моддий рағбатлантириш пул мукофотлари кўринишида, шунингдек, меҳнат фаолиятида юқори ижодий ва ишлаб чиқаришдаги эришган ютуқлари учун олий таълим муассасаси раҳбарияти томонидан асосий иш ҳақига устама ва қўшимча ҳақлар белгилаш орқали бюджетдан ташқари маблағлар хисобига амалга оширилади.

4. Пул мукофотлари, устамалар ва қўшимча ҳақлар микдори ҳар бир ходимнинг олий таълим муассасаси фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини оширишга қўшган шахсий ҳиссасига қараб белгиланади.

5. Олий таълим муассасаси раҳбарларига (ректор, проректор, филиал директори ва ўринbosарлари) меҳнат фаолиятида эришган юқори ижодий ва ишлаб чиқаришдаги ютуқлари учун устама ва қўшимча ҳақлар ҳамда пул мукофотлари юқори турувчи ташкилотларнинг тегишли қарорлари билан белгиланади.

6. Мутахассислар тайёрлаш сифатини ошириш, олий таълим муассасаларининг илмий-интеллектуал салоҳияти ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш мақсадида олий таълим муассасаси ҳар йили профессор-ўқитувчи ва ходимлар томонидан бажарилган ишларнинг самарадорлиги ва сифатига қараб моддий рағбатлантириш тартиби ва ҳажмларини белгилаши шарт.

7. Моддий рағбатлантириш нафақат бир ходим учун, балки олий таълим муассасаси раҳбарияти ёки бошқа бошқарув органлари томонидан жамоатчилик ишларини бажарган бутун бир жамоа, кафедра, факультет, илмий лаборатория ва бошқа бўлинмалар ходимларига ҳам берилиши мумкин. Бунда, моддий рағбатлантириладиган ходимларнинг рўйхати бажарилган ишларнинг аниқ кўрсаткичлари, эришилган натижалари тўғрисидаги маълумотлар ва бошқа хужжатлар билан тасдиқланиши лозим.

8. Олий таълим муассасаси раҳбариятига бажарилган ишлар ва эришилган натижалар тўғрисида нотўғри маълумот тақдим этган ходимлар моддий рағбатлантирилмайди.

9. Олий таълим муассасасининг ўқув-тарбиявий, илмий-тадқиқот ва иқтисодий фаолияти самарадорлиги ва сифатини ошириш мақсадида ходимларни рағбатлантириш ўқув йили давомида амалга оширилиши мумкин.

10. Рағбатлантириш кўрсаткичлари бажарилган ишларнинг хусусияти, ўзига хослиги ва олий таълим муассасаси (унинг таркибий бўлинмалари)нинг йўналишидан келиб чиқиб аниқлаштирилган бўлиши лозим. Жамоа (аниқ бир ходим) моддий рағбатлантирилишида ҳақиқатан ҳам эришиши мумкин бўлган кўрсаткичлардан икки ёки учтадан кўп бўлмаган мукофотлаш мезонлари белгиланади.

11. Ходимларни моддий рағбатлантириш тўғрисидаги буйруқ ҳар бир ходим учун олий таълим муассасаси раҳбари томонидан имзоланиб, касаба уюшма ташкилоти билан келишилади, олий таълим муассасалари раҳбарлари учун эса юқори турувчи ташкилотнинг қарори тегишли бошқарма ва бўлимларининг тавсиясига биноан тайёрланади.

12. Мехнат интизомининг бузилиши белгиланган (ёки белгиланадиган) рағбатлантиришини бекор қилишга асос бўлиши мумкин.

13. Олий таълим муассасаси раҳбари иш сифати ёмонлашганда, топшириқлар ўз вактида бажарилмаганда, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизоми бузилганда устамаларни бекор қилиш ёки камайтиришга ҳақли.

14. Куйидаги ҳолларда олий таълим муассасалари ходимларига уларнинг мурожаатига асосан касаба уюшмаси ташкилотининг ташаббуси билан олий таълим муассасасининг бюджетдан ташқари маблағлари хисобидан моддий ёрдам тўланади:

яқин қариндошлари (ота-она, ака-ука, опа-сингил, эр-хотин) вафот этганда;

ходимнинг тўйи ёки юбилей тантанаси муносабати билан;

ходимнинг ўз соғлигини тиклаши муносабати билан;

табиий оғатлар оқибатлари ва бошқа шунга ўхшаш ҳолларда уларга зарар етказилганда.

15. Иш сифати ёмонлашганда, топшириқлар ўз вактида бажарилмаганда, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизоми бузилганда устамаларни бекор қилиш ёки камайтириш интизомий жазо чораси ҳисобланмайди.

## **2-боб. Моддий рағбатлантириш миқдори ва манбалари**

16. Профессор-ўқитувчиларга иш ҳақи учун устама ҳақ ва қўшимча ҳақлар белгиланган тартибда бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан Вазирлар Маҳкамасининг “1996/1997 ўкув йилида Ўзбекистон Республикаси олий ўкув юртларига қабул қилиш тўғрисида” 1996 йил 5 июлдаги 236-сон қарорига мувофиқ белгиланган миқдорда, олий таълим муассасасининг бошқа тоифадаги ходимларига эса – олий таълим муассасаси касаба уюшмаси ташкилотининг тавсиясига кўра олий таълим муассасаси ректори (филиал директори) томонидан белгиланадиган миқдорларда тўланади.

Ўзини ўзи молиялаштириш тизимиға ўтган олий таълим муассасаларида юқори малакали мутахассисларни жалб этиш, кўрсатиладиган таълим хизматлари сифатини ошириш мақсадида профессор-ўқитувчи ва ходимларга устамалар ҳамда моддий рағбатлантириш турлари ва миқдорлари молиявий имкониятдан келиб чиқиб, мустақил белгиланади.

17. Тўлов-контракт асосида ўқитишдан тушадиган маблағларнинг 30 фоиздан кўп бўлмаган қисми таълим муассасасининг профессор-ўқитувчилар таркиби ва бошқа тоифадаги ходимларини моддий рағбатлантиришга сарфланиши мумкин.

Бунда, моддий рағбатлантириш билан боғлиқ харажатлар олий таълим муассасасининг молиявий имкониятларидан келиб чиқиб, бирламчи харажатлари қопланганидан сўнг амалга оширилади.

## **3-боб. Олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари ва бошқа тоифадаги ходимларини моддий рағбатлантиришнинг асосий мезонлари**

18. Олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчи ва бошқа тоифадаги ходимларини рағбатлантиришнинг асосий мезонлари сифатида куйидагилар ҳисобга олинади:

ўкув жараёнини ташкил этишдаги салмоқли ютуқлари, уларни жаҳон стандартлари даражасида доимий равишда янгилаб бориш, фан, техника, янги технологиялар ва маданиятни ривожлантиришдаги ютуқлари ҳамда истиқболлари, илмий-техник ва ижтимоий тараққиётни белгилайдиган соҳаларда маҳсус курслар ташкил этиш;

ўкув ва ўкув-услубий ишларнинг самарадорлиги ва сифатини таъминловчи юқори педагогик маҳоратга, талабанинг ижодий ҳамда идрок қилиш қобилиятини оширишни таъминловчи ўқитишининг илмий-методик даражасига эга бўлиш;

ўқитишининг фаол усулларидан фойдаланиш ва билимларни назорат қилиш, таълим ва тарбиянинг уйғунлигини таъминлаш, ўсиб келаётган ёш авлоднинг юксак ахлоқий жиҳатларини шакллантириш, беш ташабbus йўналишлари бўйича ютуқларга эришиш;

янги авлод дарслклари ва ўкув қўлланмаларини яратиш ва ишлаб чиқиш;

барча турдаги ишлаб чиқариш амалиётларини ташкил этиш ва ўтказишни такомиллаштириш, талабалар конструкторлик тўгаракларини, ёшлар ижодий марказларини ҳамда талабаларнинг илмий-тадқиқот ишларини бошқариш, шунингдек талабалар орасидан иқтидорлиларини саралаб олиш, танловларда, конференциялар ва симпозиумларда фаол қатнашиш;

ўкув жараёнида замонавий компьютер техникаларидан фойдаланган ҳолда ўқитишининг янги шакллари ва усулларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш, талабаларнинг мустақил таълим олишини шакллантириш;

тайёрланаётган мутахассислар сифатини ошириш мақсадида олий таълимнинг долзарб масалалари бўйича илмий-тадқиқот ишларида қатнашиш ва уларни ўкув-тарбиявий жараёнига татбиқ этиш;

илмий-услубий кенгашлар ва ўкув-услубий бирлашмаларда самарали иш олиб бориш, ўкув режа ва дастурларини ҳамда иқтисодиёт тармоқларининг реал эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда мутахассислар тайёрлаш бўйича аниқ таклифларни ишлаб чиқиш;

фан ва техника ҳамда иқтисодиёт тармоқларини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшадиган мақолалар, монографиялар ва китобларни нашр этиш;

Ўзбекистон Республикаси манфаатларини кўзлаб турли хилдаги ижтимоий-сиёсий ва оммавий тадбирларда фаол иштирок этиш;

илмий ва педагог кадрлар тайёрлашда, докторантлар, жумладан хориж давлатларидаги докторантларга илмий раҳбарлик қилишда ижобий натижаларга эришиш;

фан доктори дипломини олгандан сўнг талабгор (агар олий таълим муассасасида фаолият юритаётган бўлса) ва унинг илмий раҳбари;

ҳисбот йили давомида амалиётга татбиқ қилинадиган диплом лойиҳаларига раҳбарлик қилиш;

чет тилларидан (инглиз, француз, немис ва бошқа) бири ёрдамида ўкув жараёнини ташкил этиш;

бюджетдан ташқари маблағларни кўпайтиришда, шунингдек олий таълим муассасаси моддий-техника базасини ҳомийлик асосида мустаҳкамлаш борасида шахсий ташабbus кўрсатиш;

хар бир ходимнинг таълим муассасаси фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини оширишга қўшган шахсий ҳиссаси, берилган вазифаларни ўз вақтида ва сифатли бажариши ҳамда жамоат ишларида фаол қатнашиши.

19. Олий таълим муассасаси раҳбарларини рағбатлантиришда қуидаги мезонлар ҳисобга олинади:

олий таълим муассасасида тайёрланган мутахассисларнинг сифат кўрсаткичлари;

профессор-ўқитувчиларнинг илмий салоҳияти бўйича таркиби ва уларнинг малакасини оширганлик даражаси, олий таълим муассасасида фаолият юритаётган хориждан жалб қилинган малакали профессор-ўқитувчиларнинг (мутахассис) салмоғи;

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт тармоқларини ривожлантиришга қўшган илмий салоҳияти;

олий таълим муассасасидаги тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш даражаси ва бюджетдан ташқари маблағларни жалб қилиш усуллари;

таълим муассасасининг даромадлари ва харажатлари сметасининг ижроси натижалари (охири йиллар ўсиш динамикаси таҳлили асосида);

хукумат ва бошқа бошқарув органларига олий таълимни ислоҳ қилиш ҳамда миллий иқтисодиёт ва маданиятни ривожлантириш муаммолари бўйича таклифлар киритиш;

олий таълим муассасасида жамоанинг маънавий, ахлоқий ва психологик мұхитининг ҳолатига кўрсатаётган ижобий таъсири.

20. Рағбатлантириш чора-тадбирларининг самарадорлигини ошириш мақсадида олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчилари ва бошқа тоифа ходимларининг илгор тажрибасини ва фаолияти самарадорлигини оммавий ахборот воситаларида ёритиш ҳамда олий таълим муассасаси веб-сайтига жойлаштирилади.

#### 4-боб. Якуний қоидалар

21. Олий таълим муассасасининг штатдаги ходимларига меҳнатга ҳақ тўлашнинг амалдаги тизимида назарда тутилган рағбатлантириш бўйича қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа тўловлар ҳам қўлланилиши мумкин.

22. Устама ҳақларини қатъий мезонларга мувофиқ белгилаш ва тўлаш учун жавобгарлик олий таълим муассасаси раҳбари зиммасига юкланди.

23. Ушбу Низомни қўллашда юзага келадиган низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

24. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

